
"Қалампир. уз" хакикатнинг тагига энди етибди ва Ш. ГАНИЕВ нинг алокаси юклигини тан олибди. Хатони тан олиш ҳам марднинг иши!

Фарғонада фуқаронинг уйи бузиб ташланиши ортидаги асл ҳақиқатлар аён бўлди

Аввалроқ, сайтимизда “Тошкентга кетгандим, қайцам уйим йўқ – фарғоналик иккинчи гуруҳ ногирони дардини кимга айцин?” номли мақола еълон қилинган еди. Фарғона вилояти ҳокимлиги мазкур мақола ёритилган воқеага ойдинлик киритди. Унда шундай дейилади:

“Олтиариқ тумани Қахрамон МФЙ, Истиқлол кўчасида яшовчи фуқаро Тошбойев Хабибулло Набижоновичнинг ижтимоий тармоқ орқали қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. Унда маълум бўлдики, Олтиариқ тумани ҳокимининг 2012 йил 18 август кунги 798-сонли қарори асосида аукцион савдоларида ёлиб бўлган фуқароларга, жумладан Д.Норматова, Ш.Купчаковаларга ҳам йер майдонларига егалик қилиш ҳуқуқи асосида 800 метр кв майдон ажратиб берилган. Аммо, фуқаро Д.Норматова аслида Ш.Купчаковага тегишли бўлган йер майдонига 1 хонали уй қуриб яшай бошлаган.

Шундан сўнг, Ш.Купчакова ва Д.Норматовалар ўртасида йер майдонига егалик ҳуқуқи юзасидан судлов жараёни бўлиб ўтган. (Риштон туманлараро, вилоят фуқаролик судлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарор ва ажримлари мавжуд).

Тегишли судларнинг ижро варақаси асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Фарғона вилояти Олтиариқ тумани бўлими томонидан 23.05.2019 йил куни мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиб, ижро ҳужжатида кўрсатилган ноқонуний қурилмалар мажбурий тартибда бузиб ташланган.

Олтиариқ тумани ҳокимлиги икки фуқаро ўртасидаги низони муроса йўли билан ҳал қилишга кўп бор ҳаракат қилган. Туман ҳокимининг 2019 йил 7 август кунги 4565-сонли қарори билан аризачи 2-гуруҳ ногирони еканлигини назарда тутиб, ҳозирда бўш турган 27-, 36-рақамдаги ҳар бир 400 кв.метрдан иборат йер участкаларига икки хонали уй қуриш учун ҳомийлик ҳисобидан бетон пойдевор қуйилишини ва 8000 дона ғиштни девор сифатида урилишини ташкил етди.

Мурожаатчи Хабибулло Тошбойев билан тушунтириш ишлари олиб борилди ва келгусида унинг оиласига ажратилган 27-, 36-рақамдаги йер участкасида қурилиши бошланган уйни битказиб беришда яна қўшимча ёрдам кўрсатилиши ҳақида билдирилди.

Мурожаатчининг даъвоси икки фуқаро ўртасидаги низо бўлиб, унинг йечими Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан қонуний ҳал етилган ва бу низода Олтиариқ тумани, Фарғона вилоят ҳокимликлари ва шахсан Ш.Ғаниев иштирокчи емаслигини билдирамыз.

Видеомурожаатчи сўзларига қулоқ солинг. У бирон марта ҳам ҳокимлик, ёки Фарғона вилоят ҳокими деган сўзни ҳатто ёнида гап ўргатиб туришса ҳам тилга олмаган. Аксинча, “2019 йил 19 май куни МИБ ижрочилари уйимни бузди” дейди. Бу йерда мурожаатчи Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қўйи суд қарор ҳамда ажримлари, МИБнинг суд ҳужжатларига асосан ўз хизмат вазифасини бажарганидан норозилик билдирыпти.

Сўнгги пайтларда интернет тармоқларида ҳеч қандай асоссиз равишда у ёки бу йерда бирон идора ёки шахс йўл қўйган хато-камчиликни Фарғона вилояти раҳбарлари номи билан асоссиз равишда боғлаб шархлаш авж олганидан хавотирлик билдирамыз. Зеро сўзга, ахборотга маъсулияцизлик билан ёндашув айна чоғда бошқа шахс шаъни, ҳақ-ҳуқуқига нисбатан ноҳақликни келтириб чиқаришини унутмаслик лозим”.

Еълон қилинган материалларда мазкур ҳолатда Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев маъсулияциз муносабатда бўлгани айтилди. Аслида еса вилоят ҳокимининг кўшнилари ўртасидаги ўзаро тортишувга даҳли бўлмагани аниқланди. Қолаверса, суднинг қарор ва ажримларида ҳам ҳокимлик иштироки бўлмаган.

2019-10-18 18:06:15